

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ МАДАНИЙ ТАРБИЯСИ - МАЪНАВИЙ КАМОЛОТ ОМИЛИ

Нишонбоева Г. –

*“Маданиятшунослик ва номоддий маданий мерос илмий-тадқиқот институти”, катта илмий ходими
“Маданиятшунослик” бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Янгиланаётган Ўзбекистон шароитида маданий тарбияга боғлиқ жараёнлар янгича соғлом тафаккурга суянган ҳолда такомиллашиб бормоқда. Бугунги кунда янги маданий маконни барпо этиш ва аҳолида юксак маданиятлилик даражасини оширишга қаратилган чора-дастурлар амалга оширилмоқда.

Бу борада маданият соҳасига оид Қонунлар, Президентимиз томонидан чиқарилаётган қарорлар ва фармонлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Президентимизнинг 2017 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони ушбу йўналишдаги янги тараққиёт босқичини белгилаб берди. “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ва “Янги Ўзбекистон – 2030 стратегияси тўғрисида”ги Фармонлари мазкур йўналишдаги ислохотлар ва янгиланишлар жараёнини янада янги босқичга кўтарилиши учун асосларни яратди.

Маданий юксак баркамол авлодни тарбиялаш масаласи бугунги янги Ўзбекистон учун умумий вазифа ҳамда бу эзгу мақсад йўлида амалга оширилаётган ишларни қатъийлик билан давом эттириш ушбу жабҳадаги асосий тамойилга айланди. Мазкур масалада миллий кадриятлар, маданий бойликларни асраб-авайлаш, бойитиш, ривожлантириш, халқни, аввало, ўсиб келаётган ёш авлодни юксак билим ва кўникмалар билан тарбиялаш – маданий тарбия соҳасидаги устувор вазифалардан биридир.

Янги Ўзбекистон барпо этилаётган кейинги йилларда жамиятимиз маданий ҳаётидаги ўзгаришлар ҳамда унинг тараққиёт механизмига хос янгиланишларга катта эътибор қаратилмоқда. Унинг янги босқичи ривожини учун катта имкониятлар яратилмоқда. Юртимизда жаҳон халқлари илғор тажрибалари ва ўзбек миллий анъаналари уйғун дунёвий жамият ривожланиб бормоқда ва унга мос равишда маданий тараққиёт механизми ҳамда унинг тарбиявий тамойиллари муттасил такомиллашмоқда.

Янгиланаётган Ўзбекистоннинг тараққиёт дастури давомли мақсадларни ҳал қилишда халқимизнинг маданий онгини янада юксалтириш, янги маданий маконни бунёд этиш, ёш авлодни ажодларимиз қолдирган ўлмас миллий-маданий меросини чуқур ўрганиш, уларни кадрлаш ҳамда инсоний кадриятларга содиқлик руҳини шакллантириш масаласи устувор масалалардан биридир. Нега деганда, келгусида катта авлод ўрнини ёшлар айнан шундай озикланган заминда ўсган тақдирдагина комил инсонлар бўлиб етишадилар, маданий-маънавий кучга айланиб, дунё майдонларида ҳар қандай беллашувларга тайёр турадилар.

Мазкур жараённинг бу тарзда қўйилишининг асосий мотивларидан бири ўсиб келаётган бугунги авлод нафақат олий таълим муассасасларида, балки радио, телевидение, медиа маконда, ҳозирги кундаги турли хил ижтимоий сайтлар орқали ранг-баранг маълумотлардан фойдаланиб вояга етмоқда. Бугунги жаҳон ифнормацион майдон тобора кенгайиб бораётган бир пайтда, болалар, ёшларнинг онгини буни кўрма, “уни эшитма”, “бундан фойдаланма” деб, тўлиқ таъқиқ қўйиб бўлмаёпти.

Ҳозирги ёшларнинг медиадан фойдаланиш, уни тарқатиш, турли хилдаги контентларни тайёрлашлари жуда ҳам осон, эски авлод вакилларида кўра ёшлар бу масалада жуда ҳам фаол. Уларда ахборот истеъмолчи маданиятини шакллантириш, ишлаётган контентларининг ғовий тарафига қараш, ўзбек маданияти, миллий кадриятларига йўғрилган мавзуларда кўпроқ медиалар тайёрланиши ва ижтимоий тармоқларга жойлаштириш маданий савияни юксалтиришда ижобий натижалар беради.

Бугунги глобаллашиб бораётган ахборот асрида болаларни кўп вақти ТВ қаршида, ёки ижтимоий тармоқларни кўриб ўтиришлари, турли сайтлар орқали енгил-елпи вайнларни

мунтазам қўйиб борилиши ёшларда, айниқса болаларда баъзи “бачкана вайнчилар”га тақлид қилишлари ачинарли ҳолдир.

Мақтаб ёшидаги болалар орасида ўтказилган тадқиқот сўровнома натижаси шуни кўрсатмоқдаки, “Келажакда қайси касб эгаси бўласан?”, - деган саволга аксарият болалар “блогер бўламан”, “якши телефон сотиб олсам вайнлар, роликлар ишлайман, шуни орқасидан лайк йиғиб пул ишлайман”, деган жавоблар олинди.

Ушбу сўровнома 5-8 синфлар орасида ўтказилди. Ҳали онгги шаклланиб улгурмаган ўспиринларда бу каби жавоб қаердан келди, албатта истеъмом қилаётган ахборотлар майдонидан, болаларнинг маданий савиясига, маданий тафаккур тарзига бу каби 3-4 дақиқага мўлжалланган енгил ишланган ролик-вайнлар ўзининг салбий таъсирини ўтказмайди, дея олмаймиз.

Демак, ёшларни маданий-маънавий жиҳатдан шундай тарбиялаш лозимки, улар Интернет – ахборот бозорига кирганда нафақат ўзи, балки эл-юрти учун зарур, фойдали, ўзбек маданий муҳитига дахл қилмайдиган нарсани ўзлаштирсин. Ёшларга интернетдан, ахборотдан фойдаланиш, ахборот истеъмоли маданиятини ўргатишда дунёнинг қайси бурчагидан қандай маълумот келмасин, қандай маънавий тажовуз таҳдид солмасин, ҳар қандай ҳолатда ҳам маданий-маънавий томондан ҳушёр бўлиш, турли хилдаги салбий информацион хуружлардан ўзларини йўқотиб қўймайдиган баркамол шахсларни шакллантириш бу соҳадаги маданий тарбиянинг асосий мезони бўлиши керак.

Бу мақсад йўлида, ўз-ўзидан, ёшларни аждоқларимиздан қолган улкан маданий-ахлоқий мерос, миллий қадриятларга ошно қилиш, уларда маданий юксалиш, билим олиш ва комилликка интилишни рағбатлантириш асосий масалага айланди.

Шундай экан, ёшларни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялаш, уларни зарарли иллатлардан сақлаш, аввало, жамиятимизда соғлом фикр ҳамда қудратли куч устувор бўлишига замин яратишини бир дақиқа ҳам унутмаслик керак.

Жамиятимизнинг изчил тараққиёти ёшлар камолотида яққол намоён бўлади. Фарзандларимизнинг илмга интилишини рағбатлантириш ҳамда таълим сифати ва нуфузини ошириш орқали уларни зарарли мафкуралардан ҳимоя қилиш мумкин. Бу борада қуйидагиларга аҳамият қаратиш керак:

Биринчидан, аҳолимиз қалби ва онгида терроризм ва экстремизм каби зўравон мафкураларга нисбатан нафрат ҳиссини тарбиялаш;

Иккинчидан, “Янги Ўзбекистон – Учинчи Ренессанс сари” тамойили асосида таълим-тарбия тизимининг мафкуравий негизларини илмий асослаган ҳолда ишлаб чиқиши керак.

Учинчидан, билим ўчоғи бўлган мактабларни ҳақиқий маданият ва маърифат марказига айлантириш мақсадида таълим-тарбия энг замонавий усулларда олиб борилиши керак.

Тўртинчидан, атрофдан бўладиган мафкуравий хуружларга қарши курашда миллий ғоя асосида бирлашиш зарур.

Бешинчидан, маданий-маърифий янгиланишларга масъуллик ҳисси бутун жамиятимиз, умуман, зиёлилар, уламолар, ҳуқуқ тартибот ходимлари ва барча раҳбар ходимларни бир мақсад атрофига бирлаштириши керак.

Олтинчидан, соҳага доир илмий-тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш, жойларда ўтказиладиган тарғибот-ташвиқот ишларини илмий асосда ташкил қилиш ҳамда ижтимоий-маданий ўзгаришлар мониторингини олиб бориш зарур;

Еттинчидан, жамиятимизда, ёшлар орасида жаҳон халқаро ахборот тармоғидан тўғри фойдаланиш маданиятини ўстириш, ҳар хил ғоявий хуружларга қарши мафкуравий иммунитетни ҳосил қилиш, геосиёсий жараёнларни ўрганиб бориш ҳамда таҳдидларга қарши зарур чораларни ишлаб чиқиш лозим.

Саккизинчидан, ватанимиз келажаги бўлган фидойи, мустақил фикр ва дунёқарашга эга бўлган авлодни тарбиялаш ҳамда уларнинг онгига салбий таъсир кўрсатадиган иллатларга қарши кенг миқёсда кураш олиб бориш лозим.

Ҳозирги глобаллашув, инсон қалби ва онги учун қизгин кураш кетаётган бир пайтда, жамиятимиз ёшлари ҳаётига ҳам турли ғоявий хуружлар таҳдид солиши тайин. Мана шундай шароитда ҳар қандай таҳдидларга дош бера оладиган ёш авлодни тарбиялаш учун қуйидагиларни амалга ошириш ҳаётий заруратга айланди:

- кўргазмалиликнинг ижтимоий онгга таъсири юқори бўлишини ҳисобга олган ҳолда, юксак маданиятни тарғиб қилувчи кўргазмали воситаларни муайян руқн остида доимий равишда нашр этиш;

- халқимиз, айниқса ёшларимизни турли кўринишдаги бузғунчи ғоялар ва ҳаракатларга қарши ақлий жиҳатдан “қуруллантириш” мақсадида маърифий мавзудаги илмий-оммабоп нашрларни кўпайтириш ва жойларга етказиш;

- соҳага доир нашрлар, кўргазмалар тўпламлари, рисоаларни тақдим этиш ҳамда жамоатчилик эътиборини тортиш ишида реклама ишларини тўғри ташкиллаштириш;

- маданий-маърифий тарбия борасида таъсирчан усуллардан бўлган ижтимоий роликлар тайёрлаш ҳамда уларнинг телеэкранлардан ўрин олишига эришиш;

- турли салбий омиллар ҳосиласи бўлган маҳаллийчилик, бузғунчиликка мойиллик каби иллатларга барҳам бериш учун замонавий илм-фан ютуқларига таяниб, пухта ишланган маданий тарбияни амалга ошириш.

Буларнинг барчаси, ўсиб келаётган авлодларнинг маданий тарбиясига жавобгарлик ҳисси билан ёндашиш масаласи доимий равишда оила, мактаб, маҳалла ҳамда таълим ташкилотлари, қолаверса барчамизнинг диққатимизда туриши зарурлигидан далолат беради.

Хуллас, ҳозирги даврда маданий тарбия йўналишида Ватанга садоқатли, фидоий ва ҳақиқий элпарвар, чуқур билимли ва маънан баркамол шахсларни тарбиялаш энг муҳим ва зарур эҳтиёж бўлиб қолгани шубҳасиз. Ушбу вазифани адо этиш эса, барча зиёлилар, профессор-ўқитувчилар ва мутахассислар, умуман, маданият ҳамда маърифат соҳаси ходимларининг муқаддас бурчига [айланди](#).

АДАБИЁТЛАР:

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т.1-Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.-29-бет.
2. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2021 й, 4-сон).
3. Авлоний А. Танланган асарлар. 2-жилд. Т.: Маънавият, 2006. 304.
4. Назаров Қ. Маънавият асосий тушунчалар луғати. Тошкент.: —Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2021. 300-301 бетлар.

РЕЗЮМЕ:

Мазкур мақолада маданий тарбия, янги маданий маконни барпо этиш, ёшларда юқори маданиятлилиқ даражасини юксалтириш масалалари баён этилган.

Калит сўзлар: маданий тарбия, янги маданий макон, маданиятлилиқ даражаси, ахлоқий маданият, маданий дунёқараш, маданий савия, маънавий-маданий юксалиш.

РЕЗЮМЕ:

В данной статье рассматривается роль культурного воспитания на развитие личности, вопросы создания нового культурного пространства и повышения уровня культуры молодёжи.

Ключевые слова: культурное образование, новое культурное пространство, уровень культуры, моральная культура, культурное мировоззрение, культурный уровень, духовное и культурное развитие.

RESUME:

In this state, the role of cultural education and the development of human resources, the creation of a new cultural space and the improvement of the level of youth culture are classified in this state.

Keywords: cultural education, new cultural space, cultural level, moral culture, cultural worldview, cultural level, spiritual and cultural development.